

10 25707
0

10 25707
0

ОЛЛАБЕРГАН ПУЛАТОВ



БЕРУНИЙШУНОС ОЛИМ

25707
№ 0 | 2000H-2966
Плутатов, О.
Берундэйшунос
О.М.М.

2000H-2966	1996	2000
	11.106	

ОЛЛАБЕРГАН ПУЛАТОВ

БЕРУНИЙШУНОС ОЛИМ

Фармацевтика фанлари доктори Ражаббой Собир ўғли Собиров таваллудининг 60 йиллигига бағишланади.

Урганч — 1998 йил

ОЛЛАБЕРГАН ИҶЛАТОВНИНГ «БЕРУНИЙШУНОС
ОЛИМ» НОМЛИ ИЛМИЙ-ОММАБОП КИТОБИГА

ТАҚРИЗ

Китоб кенг оммага мўлжалланган бўлиб, фармацевтика фанлари доктори Ражаббой Собировнинг илмий ва ижодий фаолиятини ўз ичига қамраб олган. Шу билан бирга олимнинг Шарқ табобатида доришunosлик фанининг асосчиси ҳисобланган Абу Райҳон Беруний ва унинг «Табобатда доришunosлик» номли асарида тилга олинган. ҳозирги кунда йўқолиб бораётган гиёҳларнинг баъзи бир турларини айни кунларда Хива туманидаги Беруний номи жамоа кўчалигида экиб ўстирилиши ҳамда уларга қайта умр бағишлаётгани ҳақида батафсил маълумот берилган.

Доришunosлик фанининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган машҳур табобатчи йirik рус, украин, озарбайжон, ўзбек олимлари ва Ражаббой Собировнинг устозлари ҳақида китобда кенг ўрин берилганлиги ҳам асарнинг янада қимматини оширган.

Асар муаллифи бу мўътабар бой меросимизни фақатгина урганиш эмас, балки доривор воситаларнинг тақчил бўлган ҳозирги кунда доривор гиёҳлардан олинган препаратларни амалиётда қўллашга тавсия қилиниши тўғрисида қимматли фикр айтганлиги қувончли ҳолдир.

Ушбу асар табобатда энг зарур соҳа ҳисобланган, лекин ҳали кам ривожланган, имконияти жуда кенг бўлган доришunosлик билан шугулланувчилар сонини кўпантиришда, халқ дардига шифо беришда манфаати тегади деган умиддамиз.

Тошкент фармацевтика институтининг профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

Х. Х. ХОЛМАТОВ.

25707

10 0

СЎЗ БОШИ

Ҳар бир кишининг жамиятда ўзига хос ўрни бор. Биров шифокорликни танласа, иккинчи биров моддий бойлик ишлаб чиқаради. Ўз умрини шу ишга чинакам бағишлайди. Бу жиҳатдан қараганда касблар жуда кўп. Лекин уларнинг инсоният ҳаётидаги ўрни бири-биридан кам эмас. Фақат фарқи шуки, киши ўзи танлаган касбини севса ва унга меҳр қўйсагина ниятига эришолди. Бир сўз билан айтганда, кишининг танланган касб бўйича онгли равишда қилган ҳалол меҳнати уни улуглайди, эл-юрт орасида обрў-эътиборга мушарраф этади.

Хоразм воҳаси ўзининг табиий шароити, иқлими, гўзал манзараси билан бошқа ўлкалардан тубдан фарқ қилади. Ери, суви ва бошқа ўсимликлар дунёси ҳам тамоман ўзгача. Ширин-шакар қовунларидан тортиб, то боғларининг асал меваларигача дардга дармонлиги билан ажралиб туради. Шифобахш гиёҳлари эса, ўзи бир олам, ўзи бир дунёдир. Уларни таъриф қилишга сўз ожиз.

Халқ оғзаки ижодида ва Хонқа туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида истиқомат қилган марҳум Иброҳим ота Қурбон ўглидан мерос бўлиб қолган, ҳижрий 1332 йилда Мулла Бекжон Болтабой бин Абдураҳим Харрот томонидан ёзилган «Хоразм ва Қўҳна Урганч тарихи» китобида ва бошқа манбаларда воҳамиз номининг келиб чиқиши, ўсимликлар дунёси, иқлими, табиий шароити ҳақида кўпгина маълумотлар берилган. Шу манбаларга қараганда эрамиздан аввалги биринчи аср урталарида Эрон мамлакатида уста шахматчи Нодиршоҳ деган ҳукмрон ўтган. Унинг Шоҳсанам исмли қизи бўлиб, у ҳам бу ўйилда ном қозонган. Ҳатто шахматчиликда машҳур бўлган отасини ҳам енгган. Шунда Нодиршоҳ «Ёлғиз фарзандимсан-у, лекин қизсан, ўғил бўлсанг эди»... деган. Қиз эса унга жавобан: «Ўғил ҳам, қиз ҳам фарзанд. Ақл, билим бўлса бас. Доно қиз ўғилнинг ўрнини ҳам босини мумкин», дебди.

Бу сўзлардан даргазаб бўлган шоҳ Шоҳсанамни жазолаш мақсадида аввало ўлимга ҳукм қилибди. Ҳукмини ижро этмас-

дан Эрон мамлакатига келтириб ташланган, асаб касалига мубтало бўлган Италия подшосининг ўғлига уни эрга бериб, Амударёнинг қуйи этагига сургун қилиш билан жазолабди. Илм-ҳикмат ва табибчиликдан бохабар бўлган Шоҳсанам воҳанинг доривор ўсимликларидан фойдаланиб, эрини даволаган. Гиёҳлар ёрдамида нифо топган йиғит дардидан бутунлай ҳалос бўлиб, қабилалар ўртасида тез-тез учраб турадиган Узарю низоларни бартараф қилишда қаҳрамонлик кўрсатади. Орол денгизи атрофидаги минтақада ва унинг яқинидаги Вазир шаҳрида осоништалик ўрнатади. Бундан чиқадиган ҳулоса шуки, Хоразм воҳасининг гиёҳлари қадим-қадимдан шифобахш бўлган, беморларни даволаш, инсон умрини узайтиришда катта аҳамият касб этган.

Ўзбек халқи орасидан ўрта асрда Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Ар-Розий, Форобий, Жағмоний каби буюк алломалар етишиб чиқгани ҳаммага маълум. Улар аниқ фанлардан математика, астрономия, кимё, минерология, геодезия, медицина ва доришunosлик соҳаларида янгиликлар яратиб, дунё фани тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. Бу донишмандларнинг бой илмий мерослари ҳозирги кунда ҳам олимларимиз томонидан урганилмоқда, халқ хўжалигининг барча соҳаларида самарали фойдаланилмоқда.

Абу Али ибн Синони табобат олами билан ошно қилишда, унинг номини дунёга ёйишда, Ал-Берунийнинг шифобахш гиёҳлар дунёсини мукамал ўрганиши ва уларнинг инсоният учун хизмат қилишини таъминлашда воҳамиз табиий иқлим шароити ҳам маълум даражада аҳамият касб этган бўлса ажаб эмас.

Юқорида номлари тилга олинган олимлар орасида Абу Рай ҳон Берунийнинг илмий мероси алоҳида диққатга сазовор. Негаки у барча фанлар қатори доришunosлик фанини чуқур ўрганган. Шу билан бирга кўпгина илмий асарлар ҳам яратган. Айниқса бу олим шарқ табобатида бирикинчи бўлиб доришunosликка асос солган ва уни мустақил фан даражасига кўтарган. Шунинг учун ҳам Берунийни шарқда фармацевтикани фан сифатида асослаб берган олим деб айтишга ҳақлимиз.

Олим астрономия, топография, минерология ва доришunosликка оид кўплаб асарлар яратади. Айниқса табобатда энг қийин соҳа бўлган доришunosлик бўйича асар ёзиб, уни Китоб-ас-сайдана фи-т—тибб» («Табобатда доришunosлик») деб ном беради

АС—САЙДАНА»НИНГ ЕЗИЛИШИ

Энциклопедист олим Абу Райҳон Беруний умрининг охириги билларида ўзининг машҳур «Китоб ас-сайдана фи-т-тибб» асарини ёзди. Мазкур китоб 1971 йилда У. Н. Каримов томонидан асл нусхадан—арабчадан изоҳлар билан рус тилига таржима қилиниб, «Табобатда фармакогнозия» номи билан чоп этилди. Ҳақимлар ва табиблар томонидан беморларни даволашда қўлланилган тиббиёт усуллари, дори тайёрлаш ва бошқа шунга ухшаш табобат билан боғлиқ муҳим юмушларни пухта ўрганди. Тиббиётда ижобий натижаларга эришиш учун доришунослик билан ҳам жиддий шуғулланиш муҳим эканлигини зарурат деб ҳисоблади. Давр табобатида мукаммал ўрганилмаган ва бу фан оламининг кемтик бўлиб қолиб келаётган доришуносликдек муҳим соҳасини ривожлантиришга, бунинг учун эса табиат оламидаги доривор гиёҳлар ҳақида аниқ маълумотлар беришга қатъий бел боғлади. Ўзининг «Ас-сайдана» («Табобатда доришунослик») номли асарини ёзиш билан табобат соҳасида янги бир олам яратди.

Абу Райҳон Берунийда «Сайдана» асарини ёзиш истаги афниқса бир воқеадан кейин яна ҳам кучаяди. Унинг эслашича: «Кўнларининг бирида Хоразм амирларидан бири касалланиб қолган. Унга шишопурлик машҳур табиб касалга шифо бўладиган дориларнинг рецептини ёзиб беради. Бироқ рецептда курсатилган дориларнинг биттасини топа олмайдилар. Шунда дори билан шуғулланувчи хорижий мамлакатдан келган бир аттордан шиш дорининг 15 дирхамини 500 қумуш тангага сотиб оладилар. Беруний кўрса бу дори қизилмия илдизнояси экан. Шунда у «Сизлар номинингина эмас, балки моҳиятини ҳам ўзларингиз билмайдиган нарсани сотиб олдингизлар», дейди.

«Сайдана» ўрта асрларда доришунослик соҳасида яратилган энг яхши ва энг ноёб асардир. У доривор воситалар тўғрисида ёзилган бўлиб, 1116 бобдан иборат. Шунлардан, 671 таси доривор ўсимликларга, 104 таси ҳайвонлардан олинадиган маҳсулотларга, 124 таси минерал моддаларга бағишлангандир. Китобда 719 ўсимлик доривор восита сифати-

да ишлатилиши тўғрисида маълумот берилган. Лекин уларнинг ҳаммаси доривор эмас. Доривор бўлмаган гиёҳларнинг хусусиятларини ўрганишининг ҳам аҳамияти катта. Чунки кўпгина гиёҳларнинг ташқи кўриниши, меваси, уруғининг туси, ҳаттоки номлари ҳам бир-бирига ўхшайди. Уларни доривор ўсимликлар билан янглиштириб юбормаслик мақсадида алоҳида кўрсатилганки, бу соҳада ишлайдиган мутахассиснинг унга оқли муносабатда бўлиши назарда тутилган.

Китобда ўсимликларнинг фармакологик таъсири ва уларнинг шифобахш восита сифатида ишлатилиши тўғрисида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Шу жиҳати билан у доривор ўсимликлар олами бўйича ёзилган бошқа китоблардан тубдан фарқ қилади. «Сайдана»да 4500 га яқин ўсимликларнинг маҳаллий ҳамда турли (араб, юнон, сирия, индус, эрон, суғд, турк ва бошқа) тиллардаги номлари берилган. Олимнинг «Сайдана»ни ёзишдан мақсади ҳам шунда эди. Негаки, ўша даврда доривор ўсимликлар ва доривор маҳсулотлар турли тилда ва бир тилининг ўзида ҳам ҳар ерда турлича номланар, бу эса англашилмовчиликлар ҳамда хатоликларга олиб келар эди. Бу асар доривор гиёҳлардан фойдаланишда узоқ даврлар давом этиб келган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга шарт шароит ва имкониятлар яратганлиги билан ҳам қимматлидир.

Беруний асарининг энг муҳим томони шундаки, у ўзи тилга олган ҳар бир доривор гиёҳнинг тарқалган ҳудудини кўрсатиш билан кифояланмайди. Гиёҳнинг алоҳида белгилари ва шифобахшлик хусусиятларини таърифлади ва зарур ҳолларда қайси гиёҳлар бир-бирининг ўрнини босишини ҳам батафсил изоҳлайди. Шу билан бирга маҳаллий ўсимликлар дунёсидан доривор гиёҳлар сифатида кенг фойдаланиш мумкин эканлигини амалий исботлайди.

Беруний «Сайдана»ни ёзиш жараёнида ўзидан олдин яшаб ижод қилган табиатушнос, географ, медик, доришunos олимлар ва кўплаган фозилу-фузалоларнинг асарларини ўқиб ўрганиб ҳамда улардан ижодий фойдаланди.

Абу Райҳон Беруний айниқса шарқ табобатида мавжуд бўлган анъанавий доривор ўсимликларни бир неча тилларда изоҳлаб ўтган. Демак, у сурёний ва юнон тилларини ҳам мукаммал билган ҳамда ўша тилларда ёзилган илмий адабиётлардан фойдалана олган. Кўпгина мамлакатларнинг олим-

лари томонидан бир ярим минг йил мобайнида яратилган асарларни ўқиб-ўрганган ва уларнинг моҳиятига тушунган. Булар орасида ўқилиши ва тушунилиши мураккаб бўлган Диоскорид, Орибазий сингари табиблар, Теофраст каби табиатшунос, Аристотель сингари файласуф, тарихчи—Геродот, географ—Страбон, астроном—Птоломей, Клавдий Галеч каби кўплаб юнон олимларининг китоблари бор эди. Ана шундан ҳам маълумки, Беруний чинакам буюк инсон ва бетакрор талант соҳиби бўлган.

Оқорида биз тилга олган китобда олим ўзининг ёшлик йилларидан бошлаб йиққан бой материалларидан ҳам фойдаланди. Айниқса Диоскориднинг «Доривор воситалар ҳақида», Галеннинг «Оддий дорилар ҳақида китоб», «Дорилар тузилиши ҳақида китоб», Сабурнинг «Китобал-акрабадин ал-Кабир», Ар-Розийнинг «Бошқа дориларнинг ўриши босувчи дорилар» номли асарлари шулар жумласидандир.

Ҳақиқатан ҳам Беруний фаннинг инсоният учун ўта муҳим бўлган соҳаларига куч-қувватини бахшида этган буюк олимдир. Ёнинг гоյлари ҳозирги кун фан оламида тан олинган ва тасдиқлангандир. Буларнинг ҳаммаси Берунийнинг ўрта асрларда шарҳда доришунослик фанига асос солган, уни мустақил фан даражасига кўтарган олиб деб айтишга асос бўлолади.

ОРЗУ ЙУЛИДА

Ражаббой Собиров тенгқурлари қатори ўрта мактабни битириб, қўлига етуқлик аттестатини олди. Мактаб залида касб танлаш бўйича баҳс давом этар эди. Биров қишлоқ хўжалиги соҳасида ишловчи агроном бўлишни, иккинчи биров муҳандисликка ўқишни, хуллас тўпланишган йигит-қизларнинг ҳаммаси яхши орзу ва келажакка умид кўзи билан қараб, ўз фикрини билдирмоқда эди.

Ҳавбат камгап Ражаббойга келди.

— Эшитайлик-чи, — деди домла унга, — Сиз қайси касбни маъқул кўрдингиз?

— Доришуносликни.

— Ростданми?

— Ҳа.

— Дидингиз ёмон эмас. Бу касб, сизга жуда қулай. Вунинг устига кимё, табиёт фанларини жуда яхши ўзлаштиргансиз.

Ленин беғам бўлманг. Олийгоҳга кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширсангизгина орзу ушалади. Бўлмаса...

— Домла, ипкунингизни оқлаш учун ҳаракат қиламан.

— Шундай бўлсин.

Мақтаб залида бўлиб утган юқоридаги суҳбатда буни тунца-тўғри қирқ йил ўтди. Болаликнинг шўхликлари орқадан қолиб кетди. Ражаббой беш йил Тошкентдек шаҳри азимда таҳсил кўрди. Фармацевтика олийгоҳини муваффақиятли тугаллаб ҳаёт пулланмаси—диплом олди. У институтда доришunosлик фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳамид Холматович Холматовдан доришunosлик фанлари сирларини, доцент Али Усмонович Раҳимовдан усимликлар олами муъжизаларини пухта ўрганди, доцент Зикир Назирович Назировдан дори тайёрлаш технологияси буйича, тиббиёт фанлари доктори, профессор Исақ Комиловдан дори воситаларининг одам организмга таъсир кўрсатиш омиллари буйича билим олди.

1960 йил. Ҳаёт пулланмаси билан Хоразм вилоятининг ~~қўши~~ ва ҳамниша навқирон Хива шаҳар дорихонасига ассистент—дори тайёрловчи бўлиб ишга тушди. Ражаббойнинг иқтидорли доришunos ва ташкилотчи ходим эканлигини сезган раҳбарият уни бир йилдан кейин Хонқа туманидаги Томадургадик қишлоғида янги дорихона ташкил этиш ва унга мудирлик қилишдек вазифани топширди. Ражаббой ёшувчиларнинг илтимосини ерда қолдирмади. Бу ишни ҳам қойилмақом қилиб бажарди. Шу муносабат билан уша қишлоқда 441-дорихона очилди. Орадан яна бир йил ўтгач, Ражаббой Собиров шу тумандаги «Олтин соҳил» жамоа хўжаллигидаги дорихонага мудир қилиб тайинланди.

Уша даврда Ражаббой Собировнинг олдига маслаҳатлашчи учун кўплаб беморлар кела бошлашди. Айниқса унинг олдида доривор гиёҳлар сўраб келувчилар кўпайди. Ҳатто шифо иловчилардан бири унинг олдига араб алифбаси билан ўзбек тилида ёзилган табобатга оид битта китоб келтирди. Буни Ражаббой ака ўқийолмаганидан жуда афсусланди. Лекин тақдирга тан бермади. У Бухорои шарифда мадраса битирган ва даврининг етук табиби, хонқалик Иброҳим Қурбон ўгли Жиран билан танишди. Табибнинг айтишича у доришunosликка оид «Қамолат тиб» номли китоб бўлиб, табиб Ших Қамолатдан томонидан битилган экан.

Худди шунингдек, табиб Иброҳим ота Қурбон ўғлида ҳам

бундай доривор китоблар талайгина эди. Табиб араб алифбосини ўргатиш билан бирга Ражаббойга доривор гиеҳлар ҳақида битилган кўпгина китобларни совға ҳам қилди.

— Доришунослик соҳасидаги ишларимнинг юришиб кетишида, — деб эслайдми Ражаббой Собиров, — Иброҳим ота Қурбон ўгли Жиранининг роли ҳам беқиёс даражада катта бўлди. У менга ота каби ғамхўрлик қилди. Ўзининг табобатга оид барча китобларини менга ҳадя этиш билан чекланмади. Шу билан бирга халқ табobatiда гиеҳлардан дори тайёрлаш услубларини ҳам ўргатди.

Булажак олим Ражаббой Собиров ўша даврда табобатга оид йиғган асарлар орасида Мавлоно Нидойнинг «Қаюннома», Абдулғозий Баҳодирхоннинг доришуносликка оид «Манофеъ ул-инсон» ва бошқа бир неча китоблар ҳам бор эди. Улар олимнинг доришунослик бўйича илмий ишлар олиб боришида маълум даражада аҳамият касб этди.

ХАЛҚ ТАБОБАТИНИ ҲАМИШИНИНГ АҲАМИЯТИ

Халқ табobati ибtidoий даврдан бошлаб фаолият кўрсата бoшлаган. Ўрта Осиёда ва Туркистон ҳудудида ҳам табиётнинг халқ фойдаланиб келган бу тури мавжуд бўлиб, у асосан табибчилик номи билан юритилган. Халқ табobatiда кўпинча беморларни даволашда доривор ўсимликлар ва уларнинг маҳсулотларидан, қисман ҳайвонлар ва уларнинг маҳсулотлари ҳамда минерал моддалардан фойдаланилган.

Халқ табobati билан асосан табиблар, анъанавий табobat — анъанавий тиббиёт билан эса ҳакимлар шугулланганлар. Ҳакимлар ўзидан сўнг дори-дармонлар, касалликларнинг тури ва уларни даволаш тўғрисида кўплаб ёзма мерос қолдирганлар. Уларнинг қолдирган меросларини ҳар тарафлама ва чуқур ўрганишининг ҳозирги замон тиббиёти тараққиётида катта аҳамияти бор.

Ўш даврининг таниқли ҳакимларидан бири Мавлоно Нидой бўлиб, у ўзидан сўнг 22 та ёзма асар қолдирган. Маънур асарлар ичида катта аҳамиятга эга бўлгани ва ҳозирги вақтгача сақланиб қолганларидан бири «Қаюннома»дир. Немис олими, Вильгельм Партиш келтирган маълумотга кўра, Мавлоно Нидой Крым хони Ҳахно Грейхон 2-нинг шахсий ҳакими сифатида хон саройида хизмат қилган ва ўша вақтда ўзининг ҳамма асарларини, жумладан, «Қаюннома»ни ҳам

лратган. Бу асарнинг бир нусхаси помаълум Қрим савдогари томонидан Хива хонига тақдим этилган. асарнинг асл нусхаси эса Германиянинг Мюнхен шаҳар кутубхонасида 212 «В» шифар рақами остида сақланмоқда.

«Ҳювнома» туркий тилда ёзилган бўлиб, 1902 йилда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Соий (Феруз)нинг буйруғи бўйича Маҳмуд Охун Ал-Хонқан томонидан «Манофет ул-нисон» номли билан Хоразм шеvasига таржима қилинган. Таржима қилинган қўлёзма 1965 йилда Хоразм вилояти Хонқа туманида яшаган Иброҳим ота Қўрбон ўглидан олинган.

«Манофет ул-нисон» 60 боб бўлиб, айрим боблари инсоннинг пайдо бўлиши, унинг соғ-саломат бўлишига таъсир кўрсатадиган омиллар (йил фасли, фаслга мувофиқ овқатланиш ва бошқалар) ва мижоз, инсон аъзоларининг тузилиши, турли касалликларни даволаш, доривор воситалар, уларни тайёрлаш ва қўллаш каби масалаларга бағишлангандир. Асарнинг 34 та бобида эса турли касалликлар, уларни даволашда қўлланиладиган доривор воситалар тўғрисида фикр юритилади.

«Манофет ул-нисон» нинг қимматли томони шундаки, бу асарда доривор восита сифатида 256 та ўсимлик тўғрисида маълумот берилган. Шулардан 58 таси ҳозирги замон тиббиётида қўлланилмоқда. Ҳақимнинг қўлёзмасида келтирилган ва ҳозирги кунда етарли ўрганилмаган, лекин таъобатда турли касалликларни даволаш учун қўлланилаётган ўсимликларни текшириши ва улардан янги доривор маҳсулотлар олиб, тиббиётга тадбиқ этиш шу куннинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. «Манофет ул-нисон»да кўрсатиб ўтилган шундай ўсимликлардан бири ошқўтдир.

Ошқўт сутламагуллошлар оиласига мансуб паст бўйли (6-15 см.), сершоҳли, қисқа пояли, бир йиллик ўтдир. У апрель-июль ойларида гуллайди ва меваси етилади.

Ошқўтнинг таркибидаги флавоноидлар йиғиндисини биологик фаол бирикма эканлиги Ражаббой Собировнинг узоқ изланиши ва аниқ тажрибалар ўтказиши натижасида ундан доривор маҳсулот олинди. Бунинг учун ўсимлик ер устки қисмидан 30 фонзли спиртли ажратма тайёрланди. Ажратма бир оз ўзгартилиб, сўнгга полиамид сорбентидан ўтказилди. Сорбент ҳар хил ҳароратли сув билан ювилди. Аралашмалардан тозаланган флавоноидлар йиғиндисидан ташкил топган доривор препаратни олишга эришилди ва унга «Хрозофорин» деб ном

берилди. Бу препарат учун олим муаллифлик гувоҳномаси ҳам олди.

Хрозофорин ҳидсиз, кўкимтир-сарик рангли порошок бўлиб, сувда ёмон, спиртда яхши эрийди. Унинг фармакологик хусусияти Тошкент 1-тиббий институтининг фармакология кафедрасида ўрганилди ва унинг «Р» витамини ва Рутиндан устун туриши маълум бўлди. Шунинг учун Хрозофорин майда қон томирлари—капиллярлар (қил томирлар)нинг ўтказувчанлигини пасайтирувчи восита сифатида даволаш амалиётида қўллашга тавсия қилинди. Шундан ҳам кўриниб турибдики, тиббийта қўллаш учун янги препарат—Хрозофориннинг яратилиши халқ табobati ва аъъанавий тиббийетнинг доривор воситаларини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

ГИЕХЛАРГА БАХШИДА УМР

Республикамиз президенти Иелом Каримов Ўзбекистоннинг келажакга буюк давлат эканлигини олдиндан кўриб, мамлакатимиз халқини «елим деб, юртим деб» ёниб ишашга, халқ хўжалигининг мавжуд бутун соҳаларида фидойи меҳнат қилишга, мустақиллигимизни бутун чоралар билан мустаҳкамлашга даъват этган эди. Бу сўзларда чинакам катта ҳикмат бор. Негаки, олим ҳам, инженер ҳам, ишчи ҳам, боринги деҳқон ҳам шу улуғ мақсад йўлида фидойилик кўрсатиб, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва уларни амалга ошириш учун олиб борилаётган умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшсагина кўзланган натижага тезроқ эришиш мумкин.

Ражаббой Собиров юртбошимизнинг катта мақсадлар билан ўртага қўйган ана шу истакларини ўз вақтида дилдан ҳис этган ва шу асосда фидойилик билан меҳнат қилаётган ҳамда илланаётган таниқли олимлардан биридир.


У ёшлигидан халқ табobatiга қизиқди. Нега? Булажак олим ҳали мактабда ўқиётган йилларининг бирида унинг отаси Собир бобо беҳосдан қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Ражаббой оилада катта фарзанд бўлгани учун шифокор топиб келиш унинг зиммасига тушди. Қўшни Олажа қилилогида бир табиб бўлиб, у беморларни фақат доривор гиёҳлар билан даволаб юрарди. Табибни топиб, мақсадни билдиргач, у хабарчидан бемордаги ҳасталик аломатларини эримасдан синчковлик билан бир-бир сўраб олган ва йўлда келаятиб, қўлмак сув бўйида ўсиб турган битта ўсимликнинг илдиэмоисини кавлаб олишни буюрган.

У игир ўсимлиги бўлиб, табиб ундан дамлама тайерлаган ва уни бир ҳафта давомида ичишни тавсия этган. Табибнинг шу малҳамн ёрдамида бемор тезда оёққа туриб кетган. Ўшанда ёш Ражаббой гиёҳларга нигоҳи тушган, уларга меҳр қўйган ва доришунос бўлишни дилига тугган эди.

Шу орзу, шу ният уни 1955 йилда Тошкент фармацевтика олийгоҳи сари етаклади. Олийгоҳни битказгач, Хоразм вилояти жамса хўжаликларида кўпгина дорихоналар ташкил этиб, меҳнат қилди. Лекин ишдаги ютуқлар уни қаноатлантирмади. Яна ўқиш, яна ўрганишга зарурат сезди. Чунки дорихоналарга келиётган беморлар ҳар ~~к~~ доривор ўсимликларни сўрашарди, улардан фойдаланиш усуллари хусусида маслаҳатлашишарди. Бу ишда ҳато қилмаслик учун тағинда чуқур билимга эга бўлиш, халқ табобатининг бой меросини мукаммал ўрганиш, эски тиббий қўлёзмаларни мутолаа қилиш зарур эди. Дилдаги орзунини рўёбга чиқариш учун 1969 йилда аспирантурага сиртдан ўқишга кирди. Ражаббой республикамизнинг таниқли доришунос олимларидан сабоқ ола бошлади. Шу билан бир қаторда Ўрта Осиёда, жумладан, Хоразмда яшаб ижод этган олимларнинг тиббий қўлёзмаларини излаб топиб, уларнинг нодир фикрларини ўрганишга жазм қилди. Бунинг учун у дастлаб 1969 йилда Тошкент Давлат дорилфунунини қошида олий маълумотли мутахассислар учун очилган пуллик икки йиллик шарқ тиллари курсига кириб, мазкур курсни форс тили мутахассислиги бўйича тамомлади. Шу йўл билан араб имлосида ёзилган нодир китобларни ўқишга киришди ва доривор гиёҳлар ҳақида ёзилган кўплаб қўлёзма асарларни тўплади.

XVI-XVIII асрларда Хоразмда яшаб ижод этган Абулғозий Баҳодирхоннинг доришуносликка оид «Манофез ул-инсон» қўлёзма асарини топиб, унда номлари тилга олинган доривор гиёҳларни тасниф қилди, унга ҳозирги замон илмий медицинаси нуқтан назаридан ёндашди. 1993 йилда Абулғозий Баҳодирхон таваллудининг 390 йиллигига бағишлаб Урганч шаҳрида олим номи билан аталувчи «яшил дорихона»ни барпо этди. Айни кунда бу дорихона 50 турдан ортиқ шифобахш йилма-чойлар тайерлаб, шифокорлар тавсияномаси билан беморларга етказиб берапти.

Ражаббой Собиров 1965-1967 йилларда Хоразм воҳасида биринчи бўлиб доривор ўсимликларни ўрганиш бўйича илмий экспедиция ташкил этган олимдир. Экспедиция жараёнида тўп-



2 расм истр.

лашан бош материаллар ва таассуротлар асосида «Хоразм воҳасининг доривор ўсимликлари» монографияси ёзилиб, 1972 йилда «Медицина» нашриётида chop қилинди. Ражаббой бу билан чекланиб қолмади. Аجدодларимизнинг доришуносликка оид қолдириб кетган меросини пухта ўрганди ва булар ҳақида қатор рисолалар ёзди. «Абулғозий ишлатган доривор ўсимликлари», «Беруний доривор ўсимликлар ҳақида» рисолалари шунингдек, Мавлоно Нидойининг «Доривор ўсимликлари», «Фитотерапия Сизнинг хонадонингизда» каби китоблари шулар жумласидандир.



Талабалик йиллари. Чапдан ўнга, Р. Собиров, академик
С. Искандаров.

Еш олимни қизиқтирган нарса. Хоразм халқ медицинасининг жуда ҳам узоқ тарих ва даврлар билан боғланганлиги бўлган. Чунки ўлкамизнинг ўтмишини турли хил доривор ўсимликлар беэаб келган. Бу ўлканинг бошқа вилоятларга мутлақо ўхшамайдиган ўзига хос рельефи, табиий шароити куллари, ярим чўллари, шўр ерлари, тўқайзорлари, қорақум, Қизилқум саҳролари, Амударё соҳиллари, шунингдек, бошқа ресурс ва экинзорлари ҳамда боғлари мавжуд. Бу ерда ўсадиган ўсимлик ва гиёҳлар таркибидаги моддаларнинг миқдори ҳам турличадир.

Урта асрнинг буюк алломаси Абу Райҳон Беруний ўзининг «Табобатда доришunosлик» асарига 200 га яқин турдаги шифобахш ўсимликлар Хоразм халқ медицинасида қўлланилаётганлигини, улар шарқ табобатида беморларни даволашда бебаҳо малҳам сифатида аҳамият қозониб келаётганлигини алоҳида таъкидлаган эди.

1922 йили академик Н. И. Вавилов воҳамизда мавжуд бўлган ўсимлик ресурсларини ўрганиб, гиёҳларни гурупларга ажратди, уларнинг фақат шу ўлкага ва шу ҳудудга хос ўсимлик эканини аниқлаш билан бирга, 50 та доривор ўсимликларнинг аниқ рўйхатини ҳам тузди.

Бундай забардаст олимларимизнинг бой меросини ҳозирги замон медицинаси нуқтан-назаридан пухта ўрганиб, уларнинг халқ медицинасида муваффақиятли қўлланилиши учун Ражабой Собиров тишимсиз изланаёпти, гиёҳлар таркибини ўрганаёпти, элим деб, юртим деб ёниб яшаёпти. Вилоятимизда йўқолиб бораётган нодир доривор ўсимликларни сақлаб қолиш ва уларни ҳозирги авлодга етказиб бериш учун гайрат ва шижоат билан фаолият кўрсатаёпти. Шунинг учун ҳам у ватани ўзига юртлар бўлган баъзи бир шифобахш ўсимликларни Беруний номли жамоа ҳўжалигида юртимиз шароитига мослаб ўстирмоқда ҳамда уларнинг инсон учун хизмат қилишини таъминлашдек улкан ишга муносиб ҳисса қўшмоқда. 1977 йилда Хоразм воҳаси ҳудудида, Қорақум ва Қизилқум саҳроларида, Ўстюртда ўсадиган сутламагулдошлар оиласига мансуб 9 та гиёҳни ўрганиш туфайли улардан 18 та янги фаол моддалар ажратиб, бу иш юзасидан фармацевтика фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертация ёқлади. 1991 йилда эса «Ўрта Осиё анъанавий табобатида қўлланиладиган доривор гиёҳларни фитокимёвий ўрганиш ва улардан фойдаланиш» деб аталган мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ражаббой Собиров бундай улкан натижага осонликча эришмади. Бу иш учун туппа-тўғри 20 йил кетди. У 1971 йилда Украинанинг Харьков шаҳридаги доривор гиёҳларни урганиш илмий текшириш институтининг фенол препаратлар химия ва технология лабораториясида академик В. Н. Литвиненко раҳбарлигида Ўзбекистоннинг кўпчилик вилоятларида ўсадиган, илгари урганилмаган 17 та ўсимликнинг таркибини фитокимёвий усулда ўрганиш йўли билан улардан 30 дан ортиқ биологик актив моддаларни ажратиб олишга эришди. Ҳозирги замон фан кутуклари асосида физик ва кимёвий методлардан фойдаланган ҳолда бу бирикмаларнинг аниқ тузилишини белгилаб берди. Натижада уларнинг 7 таси флавоноид агликонлар, 11 таси моногликозидлар, 3 таси биозидлар, 4 таси оксикорич, 2 таси оксibenзой кислоталар ва 3 таси жа иридоид бирикмалар эканлиги аниқланди.

Ражаббой Собировнинг энг яқин устозлари В. Н. Литвиненко, шунингдек фан докторлари Т. Н. Попова, А. С. Аммосов ва Сошқалар унинг дорининослик соҳасида ҳам назарий, ҳам амалий малака орттиришида бевосита ҳомийлик қилдилар.

Олимнинг «Хоразм шарбати», биринчи ва иккинчи део тартибланган «Даволаниш чойлари» ҳозирги замон табобатида қўланиш учун қабул қилинган. Маҳаллий доривор гиёҳларда тановланган «Хрозофорин», «Иридофлан» препаратлари дорининослик фанига қўшилган катта ҳисса бўлди. Қисқа қилиб айтганда унинг доривор гиёҳлар дунёсига оид 16 та илмий иш — монография, рисола ва мақолалари чоп этилган.

Ўзини ҳам айтиш керакки, 1882 йилда Муҳаммад Амин (тахаллуси Ходим) томонидан Заҳриддин Муҳаммад Боблрнинг шахсий табиби Муҳаммад Юсуфийнинг «Жамоул фаврид» асар Хоразмда биринчи бўлиб «Тиббий Юсуфий» номи билан ўзбек тилига ўғирилган. Бу асар доривор гиёҳлар ва ўсимликлардан дори тайёрлаш турларига бағишланганлигидан ушбу йиллар табиб ва ҳақимлар учун муҳим қўлланма сифатида фойдаланиб келинган. Бу китоб Ибн Сино, Мавлоно Ибн-додий, Ал-Журжоний, Умар Чағмиший, Абулғозий Баҳодирхон Абдуллақори Жирмизий каби йirik олимларимизнинг табобатга оид бой мерослари қатори қадрлидир.


Олим тиббий асарларни таржима қилганда ҳам, ўли ўзган рисолаларда ҳам у кўпроқ дори турларига, улар ўтмишида қандай услубда тайёрланганлиги ва беморларга тавсия қилиш услубларига алоҳида диққатни жалб этган. Айниқса дори

фирмаларининг тайёрлашдан тайёрлашишга жуда катта эътибор берганлигидан 1994 йилда унинг «Фитотерапия Сизнинг хонадонингизда» номли таърифатта онд китоби нашр қилинди. Агарда 400 дан ортиқ дори турларининг таркиби, тайёрлаш усуллари ва қўлланиши ҳақида батафсил маълумот берилган.

Ҳозир Ражаббой Собировнинг айни куч-қувватга тўлган пайти У ҳамон изланишда, доривор гиёҳларни ўрганишда. Тибб-тинчиш нималигини билмайди. Эл-юртга сизқидилдан хизмат қилиш орауеси билан тўлиб-тошиб яшаётти, илмий кузатишларини давом эттиряпти. Айниқса у вилоятимиз шифохоналарида дори-дармон тақчиллигини ҳисобга олиб, маҳаллий усимликларга асосланган ҳолда замонавий фармацевтика фабрикаси қуриш таъинбууси билан чиқди ва бу масалани вилоят раҳбарияти олдига дадил қўяолди. Ҳозирги кунда лойиҳа ишлари ниҳоясига етди. Қурилиши кутилаётган бу фармацевтика фабрикасида асосан ҳисобнинг илдизини қайта ишлаш йўли билан ундан 10 дан ортиқ доривор препаратлар олиш кўзда тутилмоқда. Бу препаратлар ошқозоничак яраларини, бронхиял астма ва тери касалликларини даволашда қўлланилади.



Р. Собировнинг лабораториядаги иш пайти.



Ражабой ака доришунос олим бўлиши билан бирга ажойиб раҳбар, меҳрибон дўст, ёшларнинг мураббий устози ҳам. У бир неча йилдирки, вилоят «Медтехника» корхонасига директорлик қилишти.

Олим ҳозирги кунда ҳам ижодий изланишларни давом эттирипти. Аждодларимизнинг дори тайёрлаш услубларини мукамал ўрганиб, уларни дориҳоналарда оддий усулда тайёрлашни амалга ошириш учун тинимсиз меҳнат қилмоқда. Бу ёшларнинг бебаҳо маҳсули сифатида доривор гиёҳларнинг исми рус, ўзбек, араб ва форс тилларидаги лугатини ҳам тайёрлади. Китобча «Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти»нинг 1996 йилда чиқариладиган асарларининг тематик режасига киритилган. T

